

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 187 (11.248)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги ўзбекистон миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» мавзuida мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабаларининг фестивали бўлиб ўтди.

Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи



2008 — Ёшлар йили

Улғайиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларга жaxon андозалари даражасида таълим бериш, миллий қадриятларимизга ва истиқлол ғояларига садоқатли, ўз касбини чуқур эгаллаган малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юртайётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар боқичма-боқич ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, чекка қишлоқларда ҳам жaxon андозалари даражасида кўплаб таълим муассасалари барпо этилиб, замонавий ўқув-услубий воситалар, компьютер ва тегишли жиҳозлар билан таъминланмоқда. Таълимнинг мазмун-моҳияти тубдан такомиллаштирилиб, миллий анъаналаримиз ва замонавий технологияларни ўзида мужассам этган илгор педагогика услублари амалга татбиқ этилмоқда. Олий таълим муассасаларида жамиятимизнинг устувор манфатларига хизмат қиладиган янги йўналишлар оchild.

Давлатимиз раҳбарининг «Мирзо Улуғбек номидаги ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу жараёндаги ишлар кўламини янада кенгайтириш,

таълим ва илм-фан ривожига муҳим ўрин тутадиган кўча ва навқирон таълим даргоҳининг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини ошириш, унда шаклланган таълим ва илм-фан мактабларининг жaxon илм-фани тизимида тугган ўрни кенг намоиш этишда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Мазкур юбилейни юқори савияда ўтказиш ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Миллий университети тубдан таъмирланиб, аудиториялар ва ўқув-тажриба лабораториялари янги жиҳозлар билан таъминланди, талабалар турар-жойлари ва бошқа инфратузилмалар янада кўркам қиёфа касб этди. Янги теннис корти ва футбол майдони барпо этилди. Қурилиш ва реконструкция ишларида бунёдкор талабалар ҳам қувувчилар билан бир сафда туриб меҳнат қилди.

Мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртлирида тахсил олаётган талаба-ёшларни тенгдошлирининг ана шундай ёшларини ҳаёти, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва улғайиб келаётган авлоднинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини янада юксалтириш бо-

расида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалда олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган юзлаб ёшлар иштирок этди.

Фестивал иштирокчилари даставвал Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйдилар. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар, музейлар ва бошқа тарихий мажмуалар билан танишдилар. Жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўрдилар. Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилдилар. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бўлган учрашувда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги давлат дастурларида белгиланган вазифалар ва ижтимоий лойиҳалар бераётган самаралар хусусида фикрлашдилар. Спортнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ўзбекистон Миллий университети олимлари, профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кад-

росланган «Маънавият ва маърифат» маркази, Сув спорти саройи, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, талабалар турар-жойларида яратилган шароит, Ўзбекистон Миллий университети музейи, ахборот-ресурс маркази ва ушбу таълим даргоҳи юбилейига бағишланган кўргазмалар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

— Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, келажак эгаларини миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътиборида, — дейди Термиз давлат университети талабаси Обиджон Комилов. — Ўзбекистон Миллий университетининг юбилейи доирасида талаба ёшлар фестивалининг ташкил этилиши ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилади. Пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай одамнинг хайрат ва ҳавасини оширади. Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва гамхўрликка жавобан, ўқиш ва жамоат ишларида янада фаол бўлиш, жамиятимиз ривожига муносиб улуш қўшишга қодир етук мутахассис бўлиб етишиш бурчимиздир.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси матнининг иккинчи ўқишда кўриш учун тайёрланган тахририга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда ТДЮИ ҳамкорлигида «Ижро иши юриштишини ислоҳ қилиш — давр талаби» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Республика Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш — давр талаби» мавзuida семинар-тренинг ташкил этилди.

• Мамлакатимизда анъанавий «INFOCOM-2008» — ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик дастуридан мазкур соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ўрин олган.

• Пойтахтимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва сув муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиз ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Озарбойжон ҳамда Арманистон давлатларидан мутахассис-олимлар, вакиллар иштирок этдилар.

• Пойтахтимизда Тошкент Давлат юридик институти томонидан «Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши — жиноий жазоларни ижро этишни либераллаштириш» мавзuida Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида халқаро илмий-назарий конференция ташкил этилди.

• Андижон шаҳрида янги расадхона — обсерватория иш бошлади. Мазкур иншоот Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия илмий-текшириш институти, Бобур халқаро жамғармаси ҳамда Андижон Давлат университети ҳамкорлигида бунёд этилди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Бастакорлар уюмисини ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида «Давр садолари» мусиқа фестивали ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Исроил Бош вазири Эхуд Олмерт Президент Шимон Пересга истеъфога чиқши ҳақида ариза берди, дея хабар қиладиган ИТАР-ТАСС. Улар ўртасида бўлиб ўтадиган мулоқотда бош вазирлик ваколатларини топшириш масаласи ҳал этилса, Шимон Перес парламентдаги етакчи фракциялар делегациялари билан учрашиб, янги ҳукуматни шакллантириш вазифасини кимга топшириш масаласини ҳал қилади.

• Яқшанба кунни Словенияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 30,5 фоиз овоз тўплаган Словения Социал-демократик партияси галаба қозонди, деб хабар беради «Франс пресс» ахборот агентлиги. Мазкур жараёнда жами сайловчиларнинг 62,12 фоизи қатнашди.

• Кеча Испания шимолидаги Сантона шаҳрида қўпоровчилик ҳаракати содир этилганлиги натижасида бир киши ҳалок бўлган. «ТВЕ» маълумотларига кўра, яна беш нафар фуқаро жароҳатланган. Полиция вакиллари-нинг айтишича, портловчи қурилма автомобилга ўрнатиб кетилган.

• Япония либерал-демократик партияси мамлакат бош вазирлигига ўз етакчисини тавлади. «AFP» хабарига кўра, бош вазир лавозимига собиқ ташқи ишлар вазири Таро Асо номзоди тасдиқланган.

• АҚШ ҳукумати мамлакат банк ва молия тизимининг буткул инкирозга юз тутишининг олдини олиш мақсадида фавқулодда «қутқарув режиси»ни тузди. Жорж Буш маъмуриятининг мазкур режасига кўра, давлат томонидан ажратиладиган 800 миллиард доллар микдоридаги маблағ Америка банклари ва сугурта компанияларининг ипотека йўналишидаги обрўсизланиб бораётган облигацияларини сотиб олишга сарфланади.

• Африканинг Лисото қироллигида оғирлиги 478 қаратга тенг олмос топилди. Британиянинг «Gem Diamonds» компанияси қазил ишлари олиб бораётган Летсенг қонидан топиладиган ушбу қимматбаҳо тош инсоният томонидан шу вақтга қадар кўлга киритилган 20-энг катта олмос ҳисобланиб, мутахассислар уни 12 миллион АҚШ долларига баҳолашмоқда.

• «Франс пресс» ахборот агентлиги ҳаба-рида айтилишича, Мозамбикда шахсий самолёт ҳалокатга учраган. Фожиа оқибатида етти киши ҳалок бўлган. Улар Жанубий Африка Республикаси фуқаролари эканлиги айтилмоқда.

• Эстонияда Мудофаа вазирлигининг собиқ ходими Херман Симм ҳибсга олинди. Ундан махфий маълумотни хорийжий давлат вакилларига берган деб шубҳаланишяпти. Мамлакат оммавий ахборот воситалари шунга ўхшаш айблов билан Симмининг турмуш ўртоғи ҳам ушлангани ҳақида хабар қилишмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА СИЁСІЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ. УЧРАШУВЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛДИ. ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИГА УШБУ МАМЛАКАТ ТАШҚИ ИШЛАР ВА САВДО ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ЛИ ЁНГ-ЖУН РАҲБАРЛИК ҚИЛДИ.

Музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ли Ёнг-жун музокаралар якунилари хусусида тўхталиб, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар узок тарихга эга эканини таъкидлади. Айни пайтда мамлакатлар тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорлик асосидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдирилмоқда. Сиёсий масалалар борасида томонларнинг нуктаи назарлари яқдил экани халқаро майдондаги ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши пой-девор бўлиб хизмат қиладигани.

«Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан бундан давлатларимиз раҳбарлари 8 мартаба учрашган, — деди Жанубий Корея делегацияси раҳбари. — Биргина жорий йилда икки бор олий даражадаги учрашув ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 24-26 февраль кунлари янги сайланган Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришиши-

га бағишланган маросимда иштирок этиш учун Сеулга ташриф буюриб, бир қатор музокаралар ўтказди. Пекиндаги ХХІХ ёзги Олимпиада уйинларининг очилиш маросимида қатнашган ҳар икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 9 август кунни яна бир мартаба учрашди. Суҳбат чоғида томонлар ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан бирдек манфаатдор эканликларини таъкидлашди».

Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шеригидир. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 850 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда жанубий корейлик сармоядорлар иштирокида тузилган 313 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, улар машина-созлик, савдо, озиқ-овқат, енгил санаят, металлчи қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Жанубий Корея компанияларининг 73 та ваколатхонаси аккредитациядан ўтган.

(Давоми 2-бетда).

Обуна — 2009

«ОҚШОМ» БИЛАН ДОИМО БИРГА БЎЛИНГ



2009 йил учун Республикаимиздаги барча нашрларга обуна давом этмоқда. Хусусан сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетаси учун ҳам 2009 йил учун обуна бошланган. Биз барча мухлислар, азиз газетхонларнинг ўзлари севиб мутлола қиладиган «Оқшом» газетасини ҳамisha кўллаб-қувватлашига ва кейинги йилга ҳам обуна бўлишларига қатъий ишонамиз.

Қарс икки кўлдан чиқади. Бугунги газетхоннинг танлаш имконияти етарли экан, қайси нашр ўзининг долзарб, қизиқарли ва ўқинишли мақолалари билан газетхонларга маъқул ва манзур бўла олса, демак унинг ўқувчилари ҳам етарли бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки 42 йилдан бери ўзининг содиқ ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» тахририяти жамоаси ҳам келаси йил учун янги-янги режаларни белгилаб олган.

Шундай экан, қадрили оқшомхонлар, Сизга доимо яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлинг. 2009 йилнинг илк кунларидан бошлаб «Оқшом» газетасини ҳар бирингиз ўз хонадонингизда қутиб олинг.

Кеска сатрларда

- **ЮНУСОБОД** туманидаги 246-мактабда таълим самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида компьютер хонаси ташкил этилди.
- **КЕЧА** шаҳримизда энергетика тармоғининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришга доир тадбир соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Мустақиллик майдонида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман ИИБ ҳамда «Камолот» ЕИХ туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир-

ган анжуман Республика Давлат Божхона қўмитаси томонидан уюштирилди.

- **КЕЧА** Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан шаҳримиздаги мактабгача таълим муассасалари педагоглари, тарбиячилари иштирокида уюштирилган семинар-тренинг «Мактабгача таълим тизимини модернизация қилиш» деб номланди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида япониялик бастакорлар томонидан тайёрланган концерт дастури санъат илосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Жорий йил май ойида «UzKorGasChemical» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур қўшма корхона Устюрт платосидаги Сурғил конида геология-қидирув ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 2006 йил мартида Президент Ислам Каримовнинг Корея Республикасига буюрган давлат ташрифи чоғида Кореянинг «Когас» корпорацияси билан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларига тенг.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда «Ўзбекистон-Корея Республикаси» дўстлик жамияти ва Корея таълим маркази муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки мамлакат илмий доиралари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирликлари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда.

Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири ўринбосари Ли Ёнг-жуннинг сўзларига кўра, корейлар ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва анъаналарига катта ҳурмат ва қизиқиш билан муносабатда бўлмоқда.

«Юртингизга сафарим чоғида Самарқандда бўлиш, Амир Темури хамда Темурийлар даврида бўлиб этилган тарихий ва меъморий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман, — дейди корейлик мартабали дипломат. — Сафар чоғида Самарқанд кўнглимга шу қадар яқин ва танишдек кўриндики, мен бу бетакорр диёрда ўзимни илгари ҳам бўлгандек ҳис этдим.

Менимча, корейликлар Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий тарихий шаҳарлар билан яқинроқ танишиш учун Ўзбекистонга тез-тез сафар қилиб туришлари лозим. Навоий шаҳри аэропортида халқаро логистика марказининг очилиши ҳамда Тошкент билан Сеул ўртасида «Kogean Air» авиокомпанияси мунтазам ҳаво катновини йўлга қўйгани Ўзбекистонга сафар қилувчи мамлакатимиз фуқаролари сонини кўпайтишига имкон бериши, шубҳасиз.

Ўзбекистонга ташрифидан сўнг ўзбек ва корей халқлари тарихи ва маданияти жуда яқин эканини яна бир бор ҳис этдим. Биз бир-биримизга жўғрофий жиҳатдан олисда жойлашган мамлакатлар вакиллари сифатида эмас, балки маънавияти ва дунёқарашини жуда яқин бўлган инсонлар сифатида қарамогимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, Жанубий Корея ҳукумати Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга содиқлигини яна бир бор таъкидлашни истайман, дуст Ўзбекистон халқига эса янада жадал тараққиёт ва раванк тилайм.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

ЁШЛАР — БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Фестиваль доирасида ташкил этилган илмий мулоқотлар унинг барча иштирокчиларида, жумладан, Фаргона давлат университети филология факультети 4-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори Соҳиба Зокировада ҳам унутилмас таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон Миллий университетидан илм-фаннинг бошқа соҳалари қатори кўплаб тилшунос олимлар ҳам етишиб чиққан, — дейди С.Зокирова. — Талабалар фестивалида мазкур йўналишда кўплаб янги маълумотларга эга бўлдим, пойтахтимиздаги олий ўқув юрларида, хусусан, Ўзбекистон Миллий университетиде таҳсил олаётган тендошларимизнинг ҳаёти, улар учун яратилган шароит билан яқиндан танишдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизда биз, ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодаларидир.

Фестивалнинг тантанали маросимида Ўзбекистон Миллий университетининг тарихи, ёшларимизнинг

илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа жаҳаларда эришаётган ютуқлари акс этган томошаларга алоҳида ўрин ажратилгани ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар, «Нихол» мукофоти совриндорлари ва ёш ижрочиларнинг концерт томошага янада файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА БИОЛОГИЯ, ЭКОЛОГИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, МУТАХАССИСЛАР ВА ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан илм-фанни ривожлантириш, илмий лабораторияларда яратилаётган иштирокчиларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва мамлакатимизда шаклланиган илмий мактаблар фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётган.

Давлатимиз раҳбарининг «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш, келажак авлодларни миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашда дастуриламал бўлмоқда. Бу борада университетининг биология-тупроқшунослик факультетида ҳам самарали ишлар амалга оширилаётган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишда йигирма мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда факультет илмий жамоаси биология, экология ва тупроқшунослик йўналишидаги долзарб вазифалар қамраб олинган ўн бешта давлат гранти асосида илмий изланишларни амалга оширмоқда. Ушбу мавзуларда халқаро грантлар ва ҳўжалик шартномала-

ри асосидаги илмий лойиҳалар бўйича ҳам иш олиб борилаётган.

Бу жараёнда янги биотехнологияларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, серхосил гўза навларини яратиш, биохилма-хилликни асраш сингари долзарб масалаларнинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ана шундай изланишлар натижасида яратилаётган янги технологиялар турли жаҳаларга татбиқ этилаётгани ўз самараларини бермоқда. Илмий тадқиқотлар жараёнига талабалар ва магистрларни ҳам жалб этиш, иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш доимий эътиборда.

Анжуманда таълим тизимида замонавий педтехнологияларнинг ўрни, биохилма-хилликни асраш, агрокимё ва тупроқшунослик, биология, экология ҳамда табиатдан фойдаланиш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган маърузалар тингланди. «Биология, экология ва тупроқшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тўплам тақдими ўтказилди.

ЎЗА

ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНИГА ЕТДИ

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИНING АСОСИЙ ҚИСМИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ. БУ ЭСА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ УЧУН МАСЪУЛ ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган қатор қарорлар ушбу тизимда мавжуд муаммоларни бартараф этишда дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда туманимизда 130 дан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатмоқда, — дейди Сергели тумани хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати уюшмаси раиси Азамат Абдуқодиоров. — Улар миңдан ортиқ кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган.

Жорий йилда ҳам мазкур турар-жойлар атрофини тартибга келтириш, ободонлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. 1991 йилгача қурилган бир қанча қўпқаватли уй капитал таъмирдан чиқарилди. Подъездларга темир эшиклар ўрнатилиб, йўлақлар асфальтланди. Таъмирталаб дам олиш ўриндиқлари созланди ва янги-янгилари қурилди. Болалар спорт ва ўйин майдончалари барпо этилди. Уйлар олдига гул ва манзарали дарахтлар экилди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

— Ширкатимиз еттига кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, — дейди тумандаги «Жаҳонроқ гулдаста» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Озода Мамбетова. — Уйларнинг барчаси куз-киш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди. Иссиқ ва совуқ сув қувурлари, иситиш тизими таъмирланди. Синган дераза ойналари алмаштирилиб, томларнинг чакка ўтадиган қисми ёпилди.

Тумандаги «Хумо юлдузи», «Гулзор сервис», «Умид учкун» ва «Тезкор коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларда ҳам куз-киш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Эскирган қувурлар алмаштирилди. Уйларнинг электр ускуна ва жиҳозлари қайта қўриқдан ўтказилди.

Буларнинг барчаси кишининг ортиқча ташвишсиз ўтишига хизмат қилади.

ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ВА МИЛЛИЙ МАТБУОТ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҲАМДА УНИНГ ИНСТИТУТИ, АҚШНИНГ ЯНГИ ДЕМОКРАТИЯЛАР ИНСТИТУТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда юртимиздаги етакчи газета ва журналлар, Интернет-нашрлар, нодавлат телерадио каналлари раҳбарлари, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчи ва талабалари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон мустақил бошма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда барча соҳаларда инсон манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга йўналтирилган ислохотларда миллий матбуотнинг фаол иштирокини таъминлаш, эркин, мустақил фаолият юритиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Бунинг натижасида оммавий ахборот воситаларининг Ватанимизда кечаётган демократик янгилаш жараёнлари мазмун-моҳиятини халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида, ҳолис ва ҳаққоний тарзда хабардор этиш, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

«МУТОЛАА БАЙРАМИ — 2008»

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА «МУТОЛАА БАЙРАМИ — 2008» АНЪАНАВИЙ ТАДБИРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича методик тавсиялар» номли услубий қўлланма, муфтий Усмонов Алимовнинг «Ҳазрати Имом (Ҳасимом)», «Туркистон вилоятининг газети»га тузилган библиографик кўрсаткичи, профессор М.Х. Саидов ва К.К. Кураловларнинг «Иқтисодий таълим минтақавий марказлари ривожлантириш» монографияси (Ўзбек ва рус тилларида) каби китоб ва қўлланмаларнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан учрашув ўтказилди. Россия давлат кутубхонасининг «Диссертациялар электрон кутубхонаси» ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган диссертацияларнинг электрон версиялари намойиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Китобхонларга масофадан хизмат кўрсатишнинг автотомлаштириш тизими»нинг янги намойиши ҳамда «Китоб-билим ва маънавият манбаси», «Кутубхона-халқлар ўртасидаги ахборот кўприги», «Ранг-барангликнинг йўналиши» мавзусида очик китоб-расми кўрсатмалари ташкил этилди. «Мутулаа — 2008» тадбири доирасида қўлгана олий ўқув юрлари ва жамоат ташкилотларида турли тадбир ва анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

Гулбахор КОБУЛОВА, «Туркистон-пресс»

СИЗ ДЎКОНДАН ХАРИД ҚИЛГАН МАҲСУЛОТ СИФАТСИЗ ЧИҚДИМИ? СОТУВЧИ ВА СИЗНИНГ ҲАМКОРЛАРИНГ ҚОНУН МЕЪЁРЛАРИГА ДОИР ТУРТИШУВЛАР ЮЗГА КАЛДИМИ? УНДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИНГ.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кўйида эса бу борада амалга оширилган ишларнинг айримлари билан танишасиз:

Чилонзор тумани 1-мавзе, 44-уй, 27-хонадонда истиқомат қилувчи В.Хусайнова Навоий кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор Д.Усмоновжонга тегишли «Технохевос» савдо дўконидан «Днепр» русумидаги музлатгични 495.000 сўмга харид қилган. Лекин музлатгич ишлатиб кўрилганда носозлиги аниқланган. Ҳозирда тегишли ташкилот аралашуви билан сифатли таъмирлаб берилган.

Мирзо Улугбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси, 137-уй, 55-хонадонда истиқомат қилувчи А.Арақиян Матбуотчилар кўчасида жойлашган «Ардуз» савдо дўконидан «Шанел» русумидаги 153.000 сўмлик атир сотиб олган. Мазкур маҳсулот сифатсиз чиқгани боис, сарфланган маблағ истеъмолчи фойдасига ундириб берилган.

Яккасарой тумани Бошлик даҳаси, 10-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи С.Ан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи И.Аҳмедовга 1.45.000 сўмлик темир эшик тайёрлашга буюртма берган. Бироқ темир эшиклар сифат кафолатини оқлай олмагани сабабли сарфланган маблағ эгасига ундириб берилди.

Юнусобод тумани 9-мавзе, 4-уй, 163-хонадонда яшовчи В.Далченко Навоий ярмаркасида жойлашган «Xi-Tech» савдо дўконидан 30.000 сўмлик «Тедфал» русумли чойнакни харид қилган. Маҳсулот сифатсиз чиқгани боис тегишли ташкилот аралашуви билан янгисига алмаштирилган.

Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/1 мавзеси, 24-уй, 33-хонадонда истиқомат қилувчи И.Қазақова оммавий наشرларнинг бирига берилган эълон бўйича Яков Наумовичга «Қазирақ» соянонин ясаб бериш учун буюртма берган. Аммо тайёрланган соянон сифатсиз чиқгани боис тегишли ташкилот аралашуви билан янгисига алмаштирилган.

Ўқорида номи тилга олинган истеъмолчи И.Қазақова хусусий тадбиркор Н.Фафуровга 1 миллион 90 миң сўмлик «AKFA» ойнасини ясаб беришга буюртма берган. Ҳозирда маҳсулотнинг сифатсиз чиқгани боис сифатли ойна ўрнатиб берилган.

Юнусобод тумани 11-мавзе, 13-уй, 1-хонадонда яшовчи Д.Қарабаев Навоий кўчасида жойлашган «Атлант» савдо дўконидан 445.000 сўмлик «65.00.S» русумидаги «NOKIA» уяли телефон аппаратини харид қилади. Тегишли ташкилот аралашуви билан сифат кафолатига нолийқ аппарат янгисига алмаштириб берилган.

Собир Раҳимов тумани Бўстон-2 тор кўчаси, 3-уйда яшовчи М.Миродиқова «LG electronics Overseas Trading FZE» бош ваколатхонасига 731.400 сўмлик, техник носоз «LG» кир ювиш машинасини таъмирлатишга беради. Аммо маъмурият истеъмолчи талабларига номатлуб тарзда сифатсиз таъмир ишларини олиб борган. Ҳозирда мазкур муаммо ижобий ҳал этилган. Маҳсулот сифатли таъмирланган.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва шаҳримиз меҳмонлари! Агар сиз харид қилган буюмларда ҳам сифат кафолатига мос келмайди ҳолатлар учраса, Тошкент 700185, Бунёдкор шох кўчаси, 23-уйга мурожаат этишингиз мумкин. Телефонлар: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35. E mail: toozppuz@q mail.som.

Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

«SARKOR TELEKOM» АБОНЕНТЛАРИ 10 МИНГАГА ЕТДИ!

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ КУНЛАРИ ИЗОРИНДАН КЕНГ МИҚЁСДА ФОЙДАЛАНИШ БОЗОРИДАГИ ПЕШКАДМЛАРДАН БИРИ «SARKOR TELECOM» КОМПАНИЯСИ ХОНАДОНЛАРДАГИ ADSL-АБОНЕНТЛАРИ Сони 10 МИНГАДАН ОШГАННИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Компания ўзининг энг асосий стратегик мақсадларидан бири — уйда ўрнатилган юқори тезлик билан ишлайдиган Интернет хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш ва шу тариқа мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиш тарафдори эканини тасдиқламоқда. «Sarkor Telecom» компанияси ахборот технологиялари бозорига ўн йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда, унинг хонадонлардаги ADSL-абонентлари сони 10 миң ва уланадиган абонентлари сони 30 миңдан ошди. Энди компания, Интернетдан кенг миқёсда фойдаланиш бўйича янги технологияларни жорий этган ҳолда, ривожланишнинг янги босқичига чиқмоқда.

Ўз фаолиятини 1996 йилда бошлаган «Sarkor Telecom» бир неча йил ўтгач, сифатли хизмат кўрсатадиган Интернет-провайдер деган номга эга бўлди, Компания ўз миқозларига биринчи бўлиб Интернет-карталарни ва ушбу карталар бўйича уйда туриб рўйхатдан ўтиш имконини тақлиф этди. 2002 йилда яна бир янгилик — кеча-кундуз техник ёрдам кўрсатадиган хизматни жорий этди. Кейин ADSL-тармоғи ишга туширилди. 2005 йилнинг октябрида пойтахтликлар ўз уйларида юқори тезлик билан ишлайдиган Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Бундан ташқари, компания ўзининг халқаро канал кенглигини овозли қилган биринчи провайдер бўлди. Бугунги кунда ушбу канал сизимига 56 Мб/сонияни ташкил этади. 2008 йил бошида провайдер «Paynet» компанияси билан ҳамкорликда Интернетдан фойдаланганлик учун он-лайн тўловлар тизимини муваффақиятли жорий этди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Иқтисодийёт

РАҚОБАТБАРДОШ ҚУВУРЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТНИНГ НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРДА, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН УНИНГ СИФАТИГА, ХАРИДОР ТАЛАБИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб буюртмачилар талабини қондиришни, шунинг баробарида экспорт ҳажмини ҳам оширишни мақсад қилган пойтахтимиздаги «SHARQ PLAST SERVICE» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари бир неча йилдири, «Polimer group» савдо маркази остида полимер қувурлар тайёрлашмоқда. Илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган мазкур рақобатбардош қувурлар бугунги кунда Қозғистон ва Қирғизистон давлатларидаги харидорларга ҳам етказиб бериляптики, бу корхона аҳолининг ютуқларидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона полимер қувурларнинг бир қатор афзалликлари бўлиб, улардан сув ва газ ҳўжалигига кенг фойдаланилмоқда. Ушбу сифатли маҳсулотнинг 50 йиллик кафолат муддати бор. Қувурлар 16 миллиметрдан 400 миллиметр диаметргача бўлиб, буюртмаларга қараб тайёрлаб берилади. Бунда, албатта хориждан келтирилган замонавий линияларнинг ўзига хос ўрни бор. «Аммофос» акциядорлик жамияти, Навоий ва Олмалик тоғ-металлургия комбинатлари ва бошқа кўплаб йирик корхона ҳамда ташкилотлар полимер қувурларнинг асосий буюртмачилари сирасидандир.

Тадбиркорлар чет эл бозорини ўрганиш асосида жаҳон андозларига жавоб берадиган, хорижда ҳам харидоргир маҳсулот турларини яратишга интилишмоқда. Бундай маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун эса, шубҳасиз, янги дастгоҳ ва ускуналар керак бўлади. Буни дилдан ҳис этган корхона ишбилармонлари ана шундай технологик линиялар олиб келишга ва экспорт ҳажмини оширишга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЛАР

МЕБЕЛСОЗЛАРИМИЗ БУГУНГИ КУНДА КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ, ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОШИМАЙДИГАН МЕБЕЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЯРАТИШМОҚДАКИ, УЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН РАНГ-БРАНГ ТОВАРЛАР ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА.

«TUS RUERO» Ўзбекистон-Германия-Англия қўшма корхонасида бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифати ва рақобатбардошлиги билан ажраллиб туради. Шу боис ҳам корхона маҳсулотларининг харидорлари сафи ортиб бормоқда. Тадбиркорлар эса бозорни ўрганиш асосида маҳсулотлар турларини кун сайин янгилаб борапти. Бу борада корхонада меҳнат қилаётган моҳир дизайнер ва уста мебелсозларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Корхона цехларига энг замонавий мебель тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш линиялари ўрнатилган бўлиб, маҳсулот маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлар ҳисобига тайёрланади. Европа давлатларидан келтирилган фурнитуралар мебелларга алоҳида кўрк бағишлаб, рақобатбардошлигини оширади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, айни пайтда корхонада тайёрланаётган офис мебеллари ўз дизайни билан харидорни жалб этади. Айниқса, мебелсозлар маҳорати билан ишлаб чиқарилаётган раҳбарлар, ходимлар, қабулхоналар ва мажлислар заллари учун мўлжалланган мебель маҳсулотлари нафақат кўриниши, сифати билан ҳам буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Улар буюртмаларга кўра турли кўриниш ва ҳамда тайёрлаб берилади. Ҳозирда тадбиркорлар янги маҳсулотлар турларини яратиш устида изланишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Маънавият — ақ кўзгуси

Тадбирлар

МЕРОСЛАРИМИЗДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МУЖАССАМ

УЧТЕПА ТУМАН ҲОКИМИЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ АСРАБ-АВВАЙЛАШ, ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР МАВЗУСИГА БАҒИШЛАБ «МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАЪНАВИЯТНИНГ БЕКАТИДИР» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

— Биз яшаётган бугунги дорилмон, нурафшон кундан олис ўтмишга, мозийга назар ташласак, ўтган аждодларимизнинг нечоғли маънавият ва маданият соҳиблари бўлганлигини гувоҳ бўламиз. — дейди тадбирни кириш сўзи билан очган Учтепа тумани ҳокими Шухрат Муҳаммадханов. — Биргина тарихнинг биз билган ва билмаган қарийда мангу порлаб турган, дунё цивилизациясида улкан илмий-бадий меросларимиз жудам кўп. Уларнинг ҳар бирида халқимизнинг ўлмас ақидалари, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари муҳассамдир. Зеро халқимиз азиздан юксак иқтидорли, билимли, маънавиятнинг кенглиги билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Кишини эзгу, хайрли ишларни бажаришга ундайдиган маданий, маърифий

дунёқарашимиз, атрофида биригина сўз айланади: «Эзгу ўй», «эзгу сўз», «эзгу амал». Мана шу тарихий мўъжизали сўзнинг ўзи ҳам бу диёрнинг кўҳна ва қадимийлигини унда умргузаронлик қилган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг нечоғли салохият соҳиблари, илму урфон эгалари бўлганлигини аниқлатади. Дарҳақиқат, биз истиқомат қилаётган юрт ўтмиши ҳақида ҳам, бугуни ҳақида ҳам ҳақиқат эътибор қаратилмоқда. Уларнинг билим олиб хунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар жорий қилинмоқда. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши ҳам муҳим

аҳамият касб этади. Зеро бугунги ёшларимиз эртанги фаровон ҳаётимизнинг асл эгаларидир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар томонлама қомил инсонлар бўлиб етишишлари ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Айниқса, бу ишда «Маҳалла — оила — мактаб» концепциясига риоя қилиб иш олиб боришимиз, ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишни таъминлашни назорат остига олишимиз шарт. Ёшларнинг турли хил диний оқимларига кириб кетмасликлари учун ҳар бир кунини тўғри ташкил олишимиз лозимдир. Туманимиз микросида ўтказилган бу каби замин эзгуликка ва ахлоққа хизмат қиладиган тадбирлар неғизда эртанги куннинг порлоқ ва истиқболли келажаги ётади. Шунингдек тадбир доирасида

турли хил диний оқимларга кириб кетмаслиги чораларини кўриш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг кўламига ҳам тўхталиб ўтилди. Тадбирда, мамлакат тараққиётида фуқароларимизнинг ўрни ва макеи, улар зиммасидаги масъулиятли вазифалар, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш борасидаги муаммолар, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш диний таълим тизимидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг мавзулари, маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг амалии самаралари, туман микросидаги мавжуд маҳаллаларда ёшлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш борасидаги масалаларга ҳам алоҳида ургу берилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Жамғармаларда

УСТОЗ-ШОГИРДА АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

ХАЛҚИМИЗНИНГ АСРЛАР ДАВОМИДА ЯРАТГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИ, УМУМИНСОЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАЗИНАСИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИ ҲАҲОНДА ТАНИТИШ, ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШЛАР ОНГИГА МИЛЛИЙ ГУРУР, ОНА-ВАТАНГА МУҲАББАТ УЙГОТИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ КАМОЛОТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕРОС» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ БЎЛМОҚДА. БУ ҲАҚДА ЖАМҒАРМА РАҲБАРИ АБДУЛАЗИЗ МУҲАММАДКАРИМОВ БИЗГА ҚУЙДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.

— Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ўзининг амалдаги Низомига кўра мутаассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтган йиллар давомида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келди. Республикаимиз Президенти Фармон ва Қарорлари, ўзбек миллий давлатчилик тарихи, мустақиллик даврида эришилган ютуқларни тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида жойларда суҳбат ва маърузалар ўтказилди. Шаҳримизнинг мўқаддас қадимжоларидан бири бўлмиш Абулқосим мадрасаси



хар йили маҳаллий ва хорижий сайёҳлар билан гаушум бўлади. Шу мўқаддас масканда жойлашганлигидан сабабли тарғиб-ташвиқот ишларимизнинг асосий қисми шу ерда ўтади. Шаҳримиз тарихи, унинг обидалари, топонимикаси хорижий сайёҳларни жуда қизиқтиради. Айниқса, маҳаллий сайёҳлар ва мактаб ўқувчилари Абдулла Қодирийдек улғў ёзувчи таҳсил олган шу мадрасада унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлашгани жуда яхши кўрадилар. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, жамғарма тасарруфидоги Абулқосим мадрасаси биносидан бири неча йиллардан бери амалий санъатимизнинг турли соҳалари муҳассамлаш-

ган «Устоз-шогирд» йўналишидаги мактаб фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда юзга яқин уста 150 га яқин шогирдга халқ амалии санъатининг нозик сирларини ўргатиб келмоқда. Мактаб йил сайин ўз фаолиятини ошира бориб, бугунги кунга қадар шаҳримизда ягона халқ хунармандчилик маркази айланган эди. Хозирда унинг издошлари қўлайиб қолди. Жумладан, шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида Республика ёшлар ижодиёти уйи, Ҳастимов даҳисидоги Барокхон мадрасаси биносидоги иккинчи хунармандчилик марказининг ташкил қилинишида жамғармамизнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда турли соҳа усталари бир жойда ижод қилаётганликлари тўғрисида рақобат бор. Одатда рақобат бор жойда илм савияси, истеъдод савияси юқори бўлади. Шунинг учун «Йилнинг энг яхши рассоми», «Йилнинг энг яхши устаси» каби номинацияларда ҳар йили кўрик-танловларда қатнашаётган усталаримиз соҳани ўринларини эгаллаб келмоқдалар. Айтиш жоизки, юқорида таърифланган мактаб ва мадраса ҳақида жамғармамиз томонидан 2002 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Гўзаллик маскани» деб номлан-



ган китоб чоп этилган эди. 2004 йил январь ойида «Китоб дунёси» журнали филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулловнинг китоб ҳақидаги мақоласини босиб чиқарди. Бу мақолани ўтган йили Японияда чиқадиган халқаро «АВД» журнали инглиз тилида босиб чиқариб, китобни дунёга танитди. Китобда Абулқосим мадрасасидан ташқари XX аср бошларидан бўлган 22 мадраса ҳақида айрим маълумотлар берилган. Булардан ташқари жамғармамиз ҳар йили турли доиралардаги тадбирларда усталаримиз томонидан ишланган аjoyиб махсулотлари кўргазмасини ташкил қилиб келмоқда. Жумладан, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда намойиш этиладиган кўргазмаларда усталаримиз ўзларининг ижод намуналари билан иштирок этиб келмоқдалар. Шу билан бирга Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залига турли анъаналарга бағишланган тадбирларда қатнашиб келмоқдамиз. 2004 йилда жамғарма томонидан кўп йиллардан буюн йилги келинган қадимий Тошкентнинг кўринишлари акс эттирилган фотосуратлар ва топонимик материаллар асосида тайёрланиб, нашр этилган «Тошкентнома» номли илмий китоб уч

минг нусхада чоп этилди. Жамғарма ўзининг 12 йиллик фаолияти давомида етти китоб чиқарди. Булар — «Абулқосим мадрасаси», «Бебаҳо маънавий мерос», «Юнусобод даҳаси», «Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат», «Гўзаллик маскани», «Тошкентнома», «Ташкентнома» (инглиз тилида). Яна бир қувонarli ютуқларимиздан бири, жамғармамиз томонидан ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «ўтган кунлар» романи инглиз тилига таржима қилинди. Асарнинг таржимаси ёзувчи ўқиган Абулқосим мадрасасида бир йил давомида амалга оширилди. Воқелиқлар учун миниатюрчи расмларимиз Қ.Шонисломов ва К.Мирзаевлар томонидан ишланган асарлар китобдан жой олди. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсам, бизнинг асосий мақсадимиз буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган маданий меросини кўз қорачиқидек асраш, ёшлар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларимизни чуқур сингдириш ва эъзозлашдан иборат.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: жамғарма қошида фаолият юритаётган «Устоз-шогирд» мактабининг кўли гул хунармандлари ижод жараёнида.

КИТОБ — ТАФАККУРНИ ЁРИТГУВЧИ ОҒОБ...

КИТОБ — ТАФАККУРИМИЗ, ОНГУ ШУУРИМИЗНИ БОЙИТУВЧИ, ЁРИТГУВЧИ ОҒОБ ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ҲАҲОНДА. У МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ, МАЪРИФАТГА УНДОВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧДИР. КИТОБ — БИЛИМ МАНБАИ. МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА БЎЙ МЕРОСИМИЗ МАНБАИ БЎЛГАН КИТОБЛАРИ НАШР ЭТИБ, КИТОБХОНЛАРГА ТУХФА ЭТАЁТГАН ГАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ БУГУНГИ КУНДА ЯНА КЎПЛАБ ЯНГИ НОМДАГИ НАШРЛАРНИ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТМОҚДА.

2007 йилда мўмтоз ва замонавий адабиётимиз, маънавий меросимизга доир китоблар, рисоалар, альбомлар, журнал ва газеталарни нашрдан чиқариб, мамлакатимизда кенчаётган маънавий жараёнларга муносиб ҳисса қўшаётган маърузчи наشريёт-матбаа уйи 2008 йил учун тузилган режага кўра жаҳон маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган адиблар, шоирлар ва алломаларнинг китоблари, шунингдек, «Мўмтоз адабиёт», «Дилга яқин асарлар» каби рунлар остида бугунги ўзбек адабиётининг атоқли ёзувчи ва шоирлари ҳамда истеъдодли қалам аҳлининг янги ва қизиқарли асарларини чоп этиб келмоқда.

— Жорий йил олти ойи давомида наشريёт-матбаа ижодий уйи томонидан бадиий адабиётлар 16 номда 50 минг нусхада, Давлат ва жамият қурилиши академияси учун китоблар 4 номда 2 минг нусхада, умумтаълим мактаблар учун дарсликлар 34 номда 2 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилди, — дейди биз билан суҳбатда Гафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Муҳаммад Исмомил. — 2007 йилда жаъми 2.532.240 нусхада китоблар чоп этилган бўлса, 2008 йилнинг олти ойлик режасига кўра 2.162.953 нусхада чоп этилди. Демак, ижодий уйимизда олти ойда нашрдан чиққан китоблар ўтган йил якунига нисбатан чоп этилган китоблар сонидан ортиқ. Шунинг ҳам жоизки, хозирга қадар ижодий уйимизда бадиий адабиётлар 26 номда чоп этилган бўлса, йил охиригача бадиий адабиёт 90 номда, 100 мингдан ортиқ нусхада чоп этиш режалаштирил-

ган. Президентимиз томонидан 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан 16 нафардан ортиқ ижодкор ёшларнинг илк китоблари «Олтин остонага биринчи қадам» рунки остида нашр этилмоқда. Бу йил шунингдек, умумтаълим мактаблари учун 34 номда дарсликлар ва 4 номда ўқув қўланмалар, лицей ва касб-хунар коллежлари учун 15 номда ўқув қўланмалар чоп этиш режалаштирилган бўлиб, йилнинг олти ойлик якунида шу дарсликларнинг 34 номдаги-си нашр этилди.

Наشريётда жаҳон адабиётининг энг дурдона асарларини нашр этишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ч.Айтматовнинг «Болалигим», Абул Фароҳнинг «Ҳикматли хангомалар», Азиз Несиннинг «Кўзимга иссиқ кўрниси» ҳажвиялари, булардан ташқари Шухратнинг «Бемалол яшасанг бўлади» тўртликлар тўплами, Ш.Ризаевнинг «Драма ва мақолалари», Олмоснинг «Гиря» ҳикоя ва ҳажвиялари, М.Исмомилнинг «Кўксимни куйдирган аланга», Ф.Сотимовнинг «Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври» тўплами, Лайло Усмоновнинг «Севги қўшиғи» китоблари, Ёшлар йили муносабати билан ижодкор ёшлардан И.Азизнинг «Муҳаббат гулхани» адабий мақолалари, С.Шомуродовнинг «Ялпизларга ошқ қиз», А.Тошевнинг «Моҳият лаҳзалари», О.Раҳимовнинг «Ишқ дафтари», А.Умировнинг «Кўшга йўл» номли шеърӣ тўпламлари чоп этилди. Шунингдек, болалар учун чоп этилган «Ўзбек халқ эртақлари», Я.Саъдуллаевнинг «Танлаб олган новотим» ҳикоя ва

эртақлари, «Шаҳзода ва тойчоқ» туркман халқ эртақлари болалар учун муносиб совға дейиш мумкин.

«Бойқ асарлар» рункида чоп этилаётган бир қатор нашрлар орасида Аҳмад Ясавийнинг «Нодир ҳикматлари» ҳам эътиборга лойиқ. Маълумки, Ясавий ҳикматлари ҳақида кўп ёзилган ва кўп гапирилмоқда. Энг муҳими, Туркiston халқлари қон-қонига неча асрлар давомида сингир кетган доғишмандлик сирларига ташналик ҳеч замону ҳеч маконда сўнмайди. Мазкур тўплам ана шу ташналикни қондириш йўлида бир уринишдир. Туркийзабон шоирлар орасида энг латиф, ўзбекона газаллари билан бир неча асрлардан бери севиб ўқилаётган Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг умрбоқий сатрлари билан дилларни фатҳ этгани ҳаммага аён. Бобурнинг «Бори элга яхшилик қил-илим» газаллар тўплами фазал шай-долари жавонининг тўридан жой олиши мукаррадир. Булардан ташқари Нодиранин шеърӣти, Фуқрат ва Муқимий газалларини иборат тўпламлар ва «Дилга яқин асарлар» рункида чоп этилаётган бир қатор нашрлар китобсевар мухлис-ларни хушнуд этади, деган умид-дамиз.

Халқимизни, азиз китобхонларимизни маънавият ва маърифат сар-чашмаларидан баҳраманд этиб, китоб жавонларимизни дурдона асарлар билан бойитиб, қалбимизга эл-улашаётган Гафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи жамо-асининг хайрли мақсадлар йўлида олиб бораётган ишлари ҳамма бар-давом бўлишини тилаймиз.

Гулнора ҲАМИДОВА

КАМТАРЛИК — ЭНГ ЯХШИ ЛИБОС

Камтарлик — соддалик, ҳаққонийлик, самимийлик, ширинсуханлик, ҳалоллик билан маҳкам болган. У димоғдорлик, манманлик, шухратпарастлик, ёлғончилик, ноҳақлик билан чиқша олмайди. Камтар кишига ўзини бошқалардан ажратиб туриш, устун қўйиш ва шухратини орттиришга эҳтиёж йўқ. Ота-боларимиз давридан бошлаб камтар инсонлар эл орасида ҳурмат-иззатга эга бўлиб, кўнглиларидоги эзгу ниятларини амалга ошириб келганлар.

Камтар бўл, барчани эттиб баҳраманд, Сенинг ҳам мартабан бўлгуси баланд. Уруг аралашиб аввал тупроққа, Сўнгра буй қўзади осмон-фалакка. Камтарлик — кишига зебу зийнатдир. Соддалик — тарбияда, хулуқ одоьда, кўнглик орасида ўзини тутта билишда, кишиларга ҳурмат-иззатда бўлишда, покиза-ликда, қаноатда, ёшига нисбатан мос ҳолда кийинишда намоён бўладиган баланд ахлоқий маданиятдир. Камтар инсон обрў орттиришга интилмайдди, аксинча, обрў камтар инсон орқасидан эргашади.

Янги син оларсан эскирса рўмол, Кўйлак янгиланар кетса охори, Аммо обрўингчи, асра мисол, Обрў сотилмайдди, йўқдир бозори. Камтар инсон манманликни, димоғдорликни ўзига нисбатан орномус деб ҳисоблайди. Димоғинг кўтарма, бўлмагани десанг оёқ ости, Қамиш кеккаганичун, бўйра бўлди-ю ҳамма босди.

Абдурахмон ЖОМИЙ
Камтар инсон табиатининг ўзига ҳосилги шундан иборатки, унга хушомад қилувчиларга нисбатан локайд, унинг олдида тиз қўймайдиган инсонларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўла олади. Камтар инсон бойликка эга бўлганларга бошқа, камбағал инсонларга бошқа кўз билан қарамайди.

Аҳли маъни гуруҳида энг оқор, Ҳеч ор айлама гадолигин, Ким буларга гадолиг ортуқдир, Аҳли суратда подшолигин.

Алишер НАВОИЙ
Кўп қилиб, ўзини билимдон қилиб кўрсатмаслик — камтарликдир. Кам билиб, ўзини билимдон қилиб кўрсатиш — манманликдир. Халқ мақоллари — инсон фикрини шакллантиришда, уларда энг яхши инсоний ҳис-туйғуларни, орзу-умидларни, жоқсақ инсоний фазилатларни уйғотиш ва қамолга етказишда маънавий бой-лигимизнинг битмас-туганмас дурдонасидир. Ўзбек халқ мақолларида камтарлик ва манманлик ҳақида ҳаёт синвалларида пишиб етилган пур маъно фикрлар баён қилинган.

Камтар бўлсанг обрў ортар, Манман бўлсанг, энса қотар.

Камтар етар муродга, Манман қолар уятга.

Мақтанган панд ейди, Камтарин қанд ейди. Дано бўлмай туриб, камтар бўлиш мумкин, Камтар бўлмай туриб, дано бўлиш қийин.

Камтар инсон бировга озор беришдан, бировнинг қўнглини қолдиришдан ўзини тия олади. Сўзга солсам, кўтармас нискол темирни, Олтин билан олиб бўлмас қолган қўнглини. Фалланинг қиммати ҳосилдорлиги билан, киши қиммати эса ўз янқиларида ва элига манфат келтириши билан ўлғанади. Камтар инсон бировга келтирган манфати билан гуруҳланмайди, Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

Тиббиёт

МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЯНГИ ЙЎРИҚНОМА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим қилинган бу ҳужжатда нодавлат секторига қарашли тиббиёт муассасаларида ва яқка тартибда фаолият кўрсатувчи шифокорлар томонидан юритилиши зарур бўлган бирламчи ҳужжатлар рўйхати тартиби ҳам ўз аксини топди.

Вазирликнинг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармасида ишлаб чиқилган тадбирлар ҳам йўлга қўйилди.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАРКАЗЛАР

ҲОЗИР РЕСПУБЛИКАМИЗДА БИР НЕЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ташкил топганига эса беш йил бўлди.

Эндиликда бу ерда турли мураккаб жарроҳлик муолажалари амалга оширилмоқда. Бунинг учун унинг моддий-техника неғизи мустаҳкамланиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуна ва қурilmалар билан жиҳозланди.

Марказ яқинда яна туркум асбоб-ускуналарга эга бўлди.

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНМОҚДА

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА ТИББИЁТ ҲУЖЖАТЛАРИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАРИХИГА ОИД КЎПЛАБ МАЪЛУМОТЛАР САҚЛАНДИ.

Улар миллий архив фонди янглиг атрофлича ўрганилиб, қатор рисоалар босмага тайёрланди.

Саратовдаги «Микроб» илмий муассасаси билан ҳамкорликда уюштирилган анжуманда юқумли хасталиқлар муолажасига оид ҳужжатлар ҳам таҳлил қилинди.

Санъат

ЯПОНИЯГА ИЖОДИЙ САФАРГА

ЎЗБЕКISTON ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ НАВБАТДАГИ ИЖОДИЙ МАВСУМИНИ БОШЛАДИ.

Ҳар сафаргидек бу йилда театр жамоаси кўплаб гастролларда ҳам бўлади. Театр балет гуруҳининг Японияга уюштирилган ижодий сафарига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. «Урашима таро» деб номланган балет ҳам кунчиқар мамлакат томошабинларига тақдим этилади.

Гап шундаки, театр Япониядаги «Тойота-сити балет» ижодий гуруҳи билан кўпдан бери алоқа боғлаб келмоқда. Ушбу ҳамкорликда япон севиғи афсонаси асосида юқорида тилга олинган спектакл сахна юзини кўради. Бу асар Ўзбекистон халқ артисти Иброгим Юсупов томонидан постановка қилинган.

ОРКЕСТР 15 ЁШДА

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР СИМФОНИК ОРКЕСТРИ ЎЗИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА.

Успенский номидаги республика махсус мусика академик лицейи ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу ёш қолғучилар гуруҳи аъзоларидан бир неча нафари республика ва халқаро танловларда голибликни қўлга киритганлар. Яқинда тайёрланган янги концерт дастури эса Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланиб, ундан она диёримизни мадҳ этувчи асарлар кенг ўрин олди.

МОҲИР ЧАВАНДОЗ

«ЎЗБЕК АМАЗОНКАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КИТОБ БОСМАДАН ЧИҚДИ.

Янги нашр ўзбек миллий цирк санъатининг йирик намояндаси Холида Зарипованин босиб ўтган ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Устоз Карим Зарипов оиласининг таникли аъзоси, моҳир чавандоз аёл сифатида ҳам томошабинларга яхши таниш.

Ушбу китоб цирк санъати тараққиётини ёритувчи навбатдаги нашрлардан бири бўлди.

Акар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Икки кишидан қолмас тўғри фикр ёширин,
 Кўшилура ақл ақлга, элга қилсанг
 маслаҳат.
 Кўзгусидур кишининг ҳар бир киши
 ва лекин,
 Кўрмоқ учун орқангни иккинчи
 кўзгу ҳожат.

Иш қилсанг шошилма, яхши ўйлаб қил,
 Яхшилиқ истасанг яхшилиқ қилгил.
 Ҳар тахтдан юқори арши аъло бор,
 Ҳар қандай зулм тахти қолади сабил.

Кўлдан келса, золим бўлмагил асло,
 Золим доим тигдан топади жазо.
 Сен ухларсан, мазлум ухлалмас тунлар,
 Сени қарғар мазлум ўлгунича то.

Шароб ичишдан сақлан, барча ёмонликларнинг
 боши шунда. Шароб ақли кеткизиб,
 ружу қилган кишини албатта хор қилади.

Тупрокдан яралиб, бўлгандинг уйғок,
 Тилинг бийрон эди ҳам зийрак қулоқ.
 Ер бағрига қайтдинг, яна ўликсен,
 Тупрок эдинг, гўё ҳали ҳам тупрок.

Бойлик, олтин йиғиб хирмон-хирмон,
 Умрингни ўтказсанг бўлмасдан шодмон.
 Умр бўйи тўпланган бу бойликларнинг —
 Роҳатини, айтгил, кўрасан қачон?!

Юраклар бир-бирин оҳанрабодек
 жалб этар чоғи,
 Темирни сув қилур осон, қизиган
 ишқнинг ўчоғи.

Агар дунёда бирдан-бир вафодор
 бўлса чин ёринг,
 Анинг бирлан умр ўтказ, анга сарф
 эт йўғу боринг.

Ўз меҳмони билан бирга таом емаган одам
 макрух.

Ошиқлар тортдилар жуда кўп азоб,
 Дилда соф муҳаббат — худди офтоб.
 Дўзахда ёнмаслар, чунки бир бора —
 Улар ишқ ўтида бўлмишлар кадоб.

Ҳеч нарса ташвиши бўлмасин жонда,
 Тақдирингча бўлур ҳар иш жаҳонда.
 Насибанг бўлмаса ҳеч ололмассан,
 Насиб этса кетмас ҳеч бир замонда.

Кунларни ўтказгил ғамсиз, эй одам,
 Ғам уйига асло босмагил қадам.
 Кўп ишлар бордирки, мушкул жуда ҳам,
 Кетидан келади фароғатли дам.


Ўзингни бос жаҳл қилса ғалаён,
 Сабр қил бахтсизлик этганда тугён.

Сабр эт, сабрдан топасан ором,
 Дил дарди сўнади бенишон, беном.
 Ҳақ шуки, сабр эт, хоҳ сабр қилма,
 Тақдир ёзиқлигин кўрасан мудом.

Эшитилган нарса кўз билан кўргандек
 бўлмайди.

Сирни сақлаёлмас ҳар қандай нодон,
 Доно тутта билар сиррини пинҳон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



Куз таровати.

Спорт янгиликлари

МИРЖАЛОЛГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАРИГА КЎРА, БУНДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИНИ ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЮЛДУЗИ, ИҚТИДОРЛИ ЁШ МУРАББИЙ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ БОШҚАРАДИ.

Терма жамоамизнинг янги бош мураббийсига Вадим Абрамов ёрдам беради. Шу кунга қадар терма жамоада бош мураббий сифатида фаолият кўрсатган Рауф Инилов энди техник директор лавозимида ишлайди.

Дарвоқе, 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида уюштирилган жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг IV bosқичида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси 11 октябрда жанубий корейлик чарм тўп усталари билан ўзаро ўртоқлик учрашувда куч синашди. Ушбу ўйинга футболчиларимизни Миржалол Қосимов бош мураббий сифатида майдонга олиб тушади. 15 октябрда эса терма жамоамиз жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг IV bosқичида японияликлар билан сафарда куч синашди.

МУҲИМ УЧ ОЧКО

КЕЧА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА ЎЗБЕКИСТОН

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ГОЛИБ

ПСКЕНТ ШАҲРИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР БЕЛБОҒЛИ КУРАШ УСТАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МУРАББИЙ, БИР НЕЧА ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРНИНГ МУТЛАҚ ГОЛИБИ, МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ЧЕМПИОНИ НУРИДДИН МАЛИКОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз полвонларидан ташқари Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларидан келган 200 нафар маҳоратли спортчилар голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига биринчи ўрин насиб этди.

Билиб қўйган яхши

ЮЗИНГИЗДАН НУР АРИМАСИН

ЁШ ЎТИБ БОРГАН САЙИН КЎЗ АТРОФЛАРИ, ЮЗ, БЎЙИН, ҚЎЛ ТЕРИСИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ КЕРАК, АЛБАТТА. ЖУМЛАДАН, КЎЗ АТРОФИДАГИ ТЕРИ ЖУДА НОЗИК БЎЛИБ, УНГА ВАҚТИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМАСА, КЎЗ АТРОФИДА АЖИНЛАР, ҚОРА НУҚТАЛАР ВА ХАЛТАЧАЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ.

Авалло юзингиз учун танлаётган воситангизнинг миқдори кам бўлишига аҳамият беринг. Чунки кўз атрофидаги тери ёғли воситаларни сингдира олмайди ва натижада кўз остида ишлар пайдо бўлади. Иккинчидан, кўзингиз атрофидаги пардозни махсус ковоқлар учун ишлатилган воситалар билан артинг. Учунидан, ҳар бир кўз атрофида алоҳида пахта ишлатинг. Ҳаракатларингиз кўз ички бурчагидан ташқарига йўналтирилган бўлсин. Кейин кўзингиз пастки қисмини чаккадан

бурунга қарата артиш керак. Шунинг билан чикарманг, кундузги ва тунги кремларни ишлатганингизда кўз атрофига суртманг. Акс ҳолда ковоқларнинг шишиши ва қичиши, кўпича эса кизариши (конъюктивит) ортириб оласиз. Айрим воситалар тез сўрилувчан бўлади. Бундай намловчи маскаларни кўз остига ҳам суртса бўлади. Лекин улар ишлаб чиқарилаётганда офтальмологик назоратдан ўтган бўлиши лозим. Юзингизга суртган ула-эликни ар-

XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 19-ТУРИДАН ЎРИН ЭГАЛЛАГАН «ПАХТАКОР» — «БУҲОРО» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҚОЛДИРИЛГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Жорий йилги мавсумда ҳам чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси бухоролик футболчиларга қарши кечган ўйинда тўлиқ устунлик қилди. Меҳмонлар дарвозаси томон кетмакет уюштирилган ҳужумлар самара бериб, Гейнрих ва Зайниддин Тожиёв томондан бухороликлар дарвозаси 90 дақиқа мобайнида икки марта ишлов этилди. Ушбу ғалаба пахтакорчиларга муҳим уч очкони тақдим этди.

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ «СЎҒДИЁНА» СПОРТ МАЖМУАСИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 308 нафар бўлажак спортчилар ўртасида ташкиллаштирилган мини-футбол ҳамда Алломиш ва Барчиной тест синовлари бўйича мусобақалар қизиқарли, мурасасиз кечди.

Мусобақалар якунида фарғоналикларга биринчи ўрин насиб этган бўлса, Тошкент шаҳри спортчилари иккинчи, навоийликлар учинчи ўринни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

24 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Мунажжимлар тошбақани эринчоклик ва ёлғизлик рамзи дейишади. Сайёраларнинг инсонларга бугунги таъсири айнан шунга монанд бўларкан. Бемалол сайру саёхатлар қилиш, ҳеч бир нарсада шошмаслик — яъни тошбақадан ўрнак олиш тавсия этилади.

Илгари бошлаб қўйган ишларингизни ниҳоясига етказишигиз мумкин. Лекин бирор-бир янги ишга қўл урмаганингиз маъқул. Ишда ҳам, уйда ҳам ташаббус, ғайрат кўрсатишга ошқинманг. Тўй маросимлари, янги кийим кийиш, саёхатлар, янги қуриб битказилган уйга кўчиб кириш,

транспорт воситалари билан боғлиқ ишлар хайрли бўлишини таъкидлаган мунажжимлар.

Бод касаллиги ўзини эслатади, бел оғриқлари зўрайиши эҳтимоли мавжуд. Жаррохлик операцияларини бошқа вақтларга қолдириб турган маъқул (фавқуллода ҳолатлар бундан мустасно). Ўпка ва нафас йўлларидаги муолажалар самарали бўлиши кутилади. Сауна, ҳаммомнинг бўғхоналари ва сув билан боғлиқ бошқа хил муолажалар ижобий таъсир қилади.

Тушларингиз муҳаббат билан боғлиқ ишларингизда нималар сизни асабийлаштиришидан огоҳлантиради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Олий ҳўжалик суди суд заллари учун қуйидаги жиҳозларни харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

- 1. Мебель жиҳозлари:**
 — Судьялар учун стол
 — Судья креслоси
 — Адвокат столи
 — Суд мажлиси котиби столи
 — Компьютер столи
 — Стуллар
 — Суд зали учун кичик минбар
 — Уч ўринли скамейка

2. Компьютер ва принтерлар (конфигурация тел/факс орқали).

3. Кондиционерлар (сплит система).

4. Видеокўзатув мосламаси ўрнатиш.

Тижорат таклифлари эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида, охириги куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота-6. Тел: 273-72-30, факс: 277-14-16.

Кўрғазмалар

ФРАНЦИЯГА САЁХАТ ҚИЛАСИЗ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «XX АСР ФРАНЦИЯНИНГ МЕЪМОРИЙ МЕРОСИ» МАВЗУИДА КЎРҒАЗМА ОЧИЛДИ.

Кўрғазма Франция давлати томонидан муҳофазада бўлган унутилмас жойлар ва ёдгорлик объектларининг ноёб антологиясини ўзида акс эттиради. Улар қаторида турли бадий йўналиш ва стилларда қурилган шаҳар меъморий объектлари ҳам бор. Экспозиция баннерлар шўринишида акс этган бўлиб, замонавий шаҳар нафасини баҳшида этувчи лабиринт шаклида намойиш этилган. Умуман олганда бу замонавий экспозицияда оригинал йўналиш бўлиб, у нафақат томошабиннинг нигоҳий қабулига, балки унинг ички дунёсига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Кўрғазмадаги асарлар нафақат маданий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Замонавий меъморчилик мероси — бу шаҳарнинг умумий муҳитини яратувчи турли муаллифларнинг жамоавий ижодидир. Бу ўзининг маънавий қиммати, ҳаёт тарзи ҳамда янги қарашларини шакллантирувчи замонавий дунё ва ундаги инсон ўрнини яратувчи муҳит, мақордир.

Ушбу кўрғазма нафақат замонавий Европа шаҳарлари қурилиши билан таништиради, балки барча мамлакатлар учун долзарб бўлган маданий меросни сақлаш муаммосига маълум даражада ечим бўлишига, ҳамда уни замонавий меъморчилик билан уйғунликда ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Кўрғазмани томоша қилар экансиз, Франция мамлакатига саёхат қилгандек тасаввур уйғонади кўнглингизда. Зеро, бу мамлакат ўзининг афсонавий кўриниши билан доимо кишиларни ўзига мафтун этиб келган.

БИР ОЛАМ ЗАВҚ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН КЎРҒАЗМА РАССОМ ЭРКАБОЙ МАШАРИПОВ ИЖОДИНИНГ ОЛТИМИШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ.

— Ўзбекистонимиз жуда бой тарих ва маданиятга эга. Уни ҳар қанча таърифлаганимиз ва тасвирлаганимиз билан камдек туюлаверади дейди рассом Эркабой Машарипов. — Мен жаннатмакон ўлкаимизнинг деярли барча худудларида бўлганман. Ҳар бир ернинг ўзига хос аъёналари, урф-одатлари ва ҳар бир воҳанинг жозибаси мени ўзига мафтун этган. Мўйқаламим билан юрт гўзаллигини, тарих саҳифаларини, буюк инсонлар портретини чизганман. Давлатимиз ижодкорларга жуда катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда, ўзини билган ҳар бир иқтидор эгаси бундан унумли фойдаланмоқда. Бугун мен учун муқаддас кун. Чунки 40 йиллик ижод намуналаримни халқимиз эътиборига ҳавола қилмоқдаман. Баҳони эса улар беради.

Рассом асарларини томоша қилар экансиз, халқ қаҳрамонлари, буюк тарихга, маданий меросга мурожаат, ватанимизнинг ўтмиши ва бугуни акс этган манзаралар эътиборингизни ўзига жалб этади.

Экспозицияда рассом замондошларининг портретлари, дилоримизнинг гўзал воҳалари манзаралари, тарихий, маиший ва ботал жанридаги суратларни ўзига ҳок тасвирлаган маънавийлик билан тасвирлаган ҳаракат қилади. Жалолитдин Мангуберди, «Алломиш», «Рухлар пок», «Хўжақент», «Хива», «Ичан қалъа», «Оқ тош», «Қизлар сайли», «Менинг онам» каби суратлар юксак маҳорат ва дид билан чизилган, улардан томошабин бир олам завқ олади.

Гулчехра САТТОР қизи

Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

11 сентябрдан бошлаб Россия ва Ҳамдастлик мамлакатлари цирклари кўзга кўринадиган бўлишига эътибор беринг.



Ўргатилган тишратиклар ва жайралар, Африка шерлари, шотланд шақана отлари, шунингдек Кубашь казаклари ва жаҳондаги энг моҳир масхарабозлар маҳоратидан баҳраман бўлинг.

Буларнинг барчасини кўришга тошинг.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир
 Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
 Бюроутма Г-806

ТЕЛЕФОНЛАР:
 хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
 Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилади. Қозғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
 «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
 1 2 3 4 6